

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси очилади.

Олий Мажлис Сенатида

Кеча, 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Мухитдиновнинг парламент юқори палатасининг ўн саккизинчи ялпи мажлисига тайёргарлик ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар. Кўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар юзасидан эса қарорлар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йиғирмадан ортқ масалани кўриб чиқиш мўлжалланмоқда.

Юқори палатанинг бўлажак аниқлаш муҳокамасига киритиш мўлжалланган муҳим масалалардан бири - Инкирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзасиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисидаги масала барча минтақавий, бошқарув, молия ҳамда ҳўжалик юритувчи ту-

зилмаларнинг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг Инкирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини бажаришдаги ролини оширишга қаратилган бўлиб, ушбу Дастурнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларида бағишланган мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби» деган маърузада белгилаб берилган.

Ялпи мажлисда муҳокама қилинадиган қонунларнинг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни бундан бундан ҳам пухта таъминлашга қаратилган. Шу муносабат билан иш бевуқининг фуқаролик жавабгарлигини мажбурий суғурталаш ҳақидаги, фуқароларнинг мамлакат тижорат банкларидаги омонатлари химоя қилишининг ишончли кафолатларини таъминлаш, почта алоқаси хизматларидан фой-

даланувчиларнинг манфаатларини химоя қилиш, маҳсулотлар хавфсизлигини, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги, баҳолаш хизматларининг профессионал даражаси ва сифатини оширишга доир талаблар ҳамда баҳолаш хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари самарали химоя қилинишни таъминлаш ҳақидаги, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг молиявий барқарорлигини ошириш тўғрисидаги нормаларни белгиловчи қонунларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Бир қатор қонунлар суд-ҳўқуқ ислохотини янада чўқурлаштиришга ва жиноят ишларини суд тартибида юритишни либераллаштиришга, фуқароларнинг ҳўқуқ ва эркинликларига риоя қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик базасини ҳамда ҳўқуқни қўллашни амалиётини такомиллаштиришга йўналтирилган. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Ҳамалнинг ҳар дами ғанимат



Баҳор юмушлари

Ҳамал кўеши табиатни буткул уйғотди. Жанубда, эрта гуллаган бодом гуллари мевага айланди. Оппоқ гулга бурканган боғлар фойзга кирди. Дову дарахтлар барг ёзди. Яшиллик оламини забт этди.

Бугун дехқонни даласидан топасиз. Ер тобга келди, етилди. Энди уруғни қадаш фурсати етди. Шу кунларда боғбону ми-

ришкорларнинг-да юмушлари қизиган. — 30 сотих ерда узумзоримиз бор, — дейди Тўрақўрғон туманидаги Ҳўжанд кишлоғилик Комил Юсупов. — Токлар ўз вақтида амалга оширилган агротехникани хўш кўради. Баҳорнинг анчайин серёгин келаятгани узумзордаги баъзи касалликлар ва бегона ўтларнинг кўпайишига омил бўли-

ши мумкин. Бугунги юмушлар ана шуларнинг олдини олишга қаратилган. Ҳамалнинг ҳар дамини ғанимат билиб меҳнат қилаётган дехқонларнинг бугунги юмушлари мўл ҳосилга пойдевор бўлади.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Наманган вилояти

Пойтахтимидаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида озиқ-овқат маҳсулотлари, ичкиликлар ҳамда шу соҳада қўлланиладиган янги технологияларнинг «World Food Uzbekistan - 2009» тўққизинчи ва «AgroWorld Uzbekistan - 2009» тўртинчи халқаро иқтисослаштирилган кўргазмалари давом этмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ - ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

Хайрли анъанага айланган ушбу кўргазмалар соҳанинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, жаҳон мекёсида давом этаятган иқтисодий инкироз, кейинги йилларда дунёнинг кўпгина давлатларида сезилаятган озиқ-овқат маҳсулотларига эҳти-

ёж ошиб бораётган шароитда мамлакатимизда бу борада мустақкам пойдевор қўйилган. Бугун кишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришнинг етакчи кўчига айланган фермерлар олдидаги долзарб вазифалардан бири - бу кишлоққа санаяти олиб кириш, қайта ишлашни йўлга

қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир. Бунинг учун янги, илҳам, замонавий технологиялар зарур. Мазкур кўргазмалар ана шундай жараёнда кўмаклашувчи вазифасини ўтаётди.

Дунёнинг 26 давлатидан 80 дан ортқ компания ва фирмалар иштирок этаятган кўргазмаларнинг икки кунлик иш фаолияти ниҳоятда самарали бўлди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган тадбиркорлар, фермерлар жаҳоннинг нуфузли компаниялари иш фаолияти, маҳсулотлари билан танишиш, тажриба алмашиш ҳамда уларни танлаш, сотиб олиш имкониятига эга бўлишди.

(Давоми 2-саҳифада)



Қўзиқорин етиштириш йўлга қўйилди

Қувасой шаҳридаги Янгиорик кишлоғида ўзига хос технология асосида қўзиқорин етиштирилмоқда. «Фарводий агросервис» фирмасида «Вешенка» ва «Оқ қўзиқорин» навлари парваришланмоқда.

Шу мақсадда 120 минг АКШ доллари микдоридан инвестиция жалб қилиниб, серхосил қўзиқорин уруғи ва замонавий ишлаб чиқариш ускуналари келтирилди. Айни пайтда фирмада етиштирилган қўзиқорин шу ернинг

ўзидан кадоқланмоқда.

— Жорий йилда истеъмолчиларга 15 тоннадан ортқ маҳсулот етказиб берамиз, — дейди ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Эркинжон Турсунқулов. — Қўзиқорин инсон саломатлиги учун фойдаланиш мўлжалли бўлиб, таркибидан 70-80 фоиз оқсил моддаси бор. Эндиликда маҳсулот микдорини кўпайтириш, янги навларни етиштириш устида иш олиб бормоқдамиз.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА Мухбири.

Фаргона вилояти



ҚИРГИЗИСТОНДА 1-ҚАМБАРОТА ГЭСИ ҚУРИЛИШИГА ДОИР МУАММОЛАР ХУСУСИДА

Қирғизистон Республикаси бош вазири Игорь Чудинов шу йил 16 мартда V Бутунжаҳон сув форумида сўзга чиқиб, Тўхтагул сув омбори тепосида жойлашадиган Қамбарота ГЭСлари қурилиши ҳали Совет Иттифоқи мавжуд бўлган даврда бошланган, ўша вақтдаги барча Ўрта Осиё республикалари манфаатлари ҳисобга олиниб, экспертизадан ўтказилганлигини баён қилди. Бу фикр анчайин жиддий бўлиб, масала моҳияти аниқлик киритишни талаб қилади.

Биринчидан, И.Чудинов шу маънода хақиқ, Қамбарота ГЭСи лойиҳаси КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1980 йил 9 октябрдаги қарори асосида бошланган, унда СССР гидроэнергетикасини 1981-1990 йилларда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган эди.

Мазкур қарорга кўра, СССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида 1984 йил 27 мартда чиқарилган буйруққа биноан, 1 ва 2-Қамбарота ГЭСларини лойиҳалаш ва қуришнинг асослантурувчи материаллари тасдиқланган эди, холос. Бундан бошқа ҳеч нарса бўлмаган. Амалда бу лойиҳа совет тоталитар даврининг «барқ уриб

гуллаган» пайтида туғилган «коммунизмнинг буюк қурилишлари» туркумига мансуб бўлиб, унинг асосий тамолига мандуб бири: «Биз табиатдан хайр-эхсон кутиб ўтиролмаймиз, балки уни бўйсундириш — бизнинг вазифамиз» деб аталар эди. Мазкур тамойил экология устидан, инсонлар устидан зўравонликка асосланган эди.

Иккинчидан, экспертиза деб аталмиш масалага келсак, бундай қараш ҳақиқий ҳолатга асло мос келмайдди. У даврда экспертизанинг ўзи йўқ эди, КПСС МК ва СССР Министрлар Совети қарорларини ҳеч ким муҳрама қила олмасди. «Партия планлари — халқ планлари» деб аталган мафзуравий тушулуни ҳар қандай экспертизадан устун турар ва ақл бовар

лари»ни қўлаб эса, улкан мамлакатнинг 15 дан бир қисмини ташкил этган шу ҳудуд радиоактив чинқинлар ахлатхонасига айланган эди. Ёки Қозғонистон «манфаатлари»ни дея Семипалатинск полигоми вужудга келтирилиб, бу ҳудуд юз йилларга яшаш ва ҳўжалик фаолияти юритиш учун яроқсиз ҳолатга келтирилмади.

Совет давридаги Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Марказий Осиё томонга буриб оқишига доир шовшушли лойиҳаларнинг қисмати нима бўлди?

Бу рўйхатни яна давом эттиришимиз мумкин.

Ўз-ўзидан аён ва ҳар бир соғлом фикрли кишига тушунарлики, бундан 30 йил муқаддам қабул қилинган бундай лойиҳалар мустақил, ҳолис экспертизадан ўтказилиши керак ва улар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

биринчидан, ушбу лойиҳалар замонавий лойиҳалаштириш ва лойиҳавий қарорлар қабул қилиш даражаларига қанчалик мос келади;

иккинчидан, уларда турли офатлар, табиий ва техноген ҳалокатлар рўй бе-

О Пойтахтимида республика «Махалла» жағғармасининг Қоракаллоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги туман ва шаҳар бўлималари мутахассислари учун ўқув-семинари ташкил этилди.

О Алийшер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда пойтахтимида фаолият кўрсатаётган турли корхоналар, муассаса ва идоралар бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

О Пойтахтимидаги «Ёшлик» спорт мажмуида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида фестивал бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилик ва техник ижодиёт маркази ва Ўзбекистон мудофазасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

О Бўҳоро шаҳрида замонавий бокс маркази фойдаланишга топширилди. «Бўҳоро-пактасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси ҳомийлигида ишбу объект эгилган бу кўркам ишоот 400 томошабинга мўлжалланган бўлиб, халқаро талабларга тўла жавоб беради. Бу ерда боксчиларнинг ўқув машғулотларини олиб бориши учун барча шароит яратилган.

О Галлаорол туманидаги Маржонбулак кишлоқ врачлик пунктига Янгий кон-металлургия комбинати тиббий хизматта мossaлаштирилган янги «Дамас» автомашинасини совға қилди. Ушбу кишлоқ врачлик пункти Маржонбулак шаҳарчасидаги 6 минг 200 дан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Муассасанинг транспорт билан таъминланиши шаҳарча аҳолиси учун яна бир қўлайлик яратди.

О Ёғиждувон туманидаги Кўча кишлоқ фуқаролар йиғини замонавий ахборот-компьютер жиҳозлари билан таъминланди.

С.ЖИГАРЕВ, «Гидропроект» ОАЖ директори.

Qishloq hayoti

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ерғодеэкадастр», Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, «Ўздонмаҳсулот», «Ўзкимёсанот», «Ўзагросурғурта», «Ўзвиносаноат-ҳолдинг», «Ўзбекенгилсанот», «Ўзқишлоқҳўжаликмашизинг» компаниялари, «Ўзпахтасаноат», «Ер-мой ва озиқ-овқат санаяти», Ўзбекистон фермер ҳўжаликчиси, «Ўзагромушсервис», «Ўзғўштусанот» уюшмалари, «Пахта Банк», «Галлабанк», Халқ банки, «Гидрометеорология» бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, «Ўздавдонинспекция», «Сифат» маркази

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Баҳор УЗОҚОВ
Қашқадарё вилояти



ТЕРРОРЧИ ТАСЛИМ БЎЛДИ

"Ал-Қоид" террористик гуруҳи етакчиларидан бири Фахад ал-Рувайлий ўз хоши-истаги билан Саудия Арабистони ҳуқуқ-тартибот тизимига мурожаат этди ва таслим бўлди.



Саудия Арабистони қироллиги томонидан маъмурлар билан 85 нафар ўта хавфли террорчи қидирув эълон қилинган бўлиб, уларнинг рўйхатида Фахад ал-Рувайлийнинг номи ҳам қайд этилган эди.

Жорий йилнинг февраль-март ойлари давомида Ироқ хавфсизлик хизмати томонидан "Ал-Қоид"нинг бир неча етакчилари қўлга олинган эди.

Саудия Арабистони қироллиги ҳукумати қидирувдаги жиноятчилар рўйхати эълон қилинган, оммавий ахборот воситалари орқали ўз фуқароларини ихтиёрли равишда мамлакатга қайтиш ва таслим бўлишга чакирган эди.

МУКОФОТНИ КИМ ОЛАДИ?



АҚШ ҳукумати Афғонистон ва Покистон ҳудудидан изғиб юрган "Ал-Қоид"нинг уч нафар ўта хавфли жангариини тутишга ёрдам берганга катта миқдорда мукофот эълон қилди.

Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхуттога уюштирилган суғмасда ташкилотчиларидан бири деб ҳисобланаётган покистонлик толибонларнинг дала қўмондони Бойтулла Мақсудни хўбса олган ёки унинг манзилни маълум қилган кишига 5 миллион АҚШ доллари миқдорда мукофот ваъда қилинмоқда.


Афғонистонда америкалик ҳарбийларга ҳужумлар уюштиришга, шунингдек, мамлакат президенти Хамид Карзайни ўлдирishга уришиларга бош-қош бўлган яна бир террорчи Сирожиддин Ҳакка ҳам худди шунчага "баҳоланди".

2005 йилда Афғонистондаги мақоҳоналарнинг бириндан жуфтаки ростилаган, айти кунда Покистон ёки Афғонистон ҳудудиди яшириниб юрган тахмин қилинаётган учинчи террорчи Абу Яхё ал-Либини ушлаб берган киши 1 миллион доллар мукофот билан сийланган.

Бу террорчи айти кунда "Ал-Қоид" етакчиларининг жиҳодга даъват этувчи видеочорловларини тарқатиш билан шугулланади.

ЭЛИЗА ЭНДИ ҲИРЛАНМАСИН!

Россиялик Ирина Бенелъяка ва француз Жан-Мишель Андре севиниб турмуш қуришган эди.



Бир неча йил Москвада яшаган, оила Францияга кўчиб кетди. Лекин Андраман сабаблар туғайли оила барбод бўлди. Хотин ўз юртида, эр ўз юртида яшай бошлади. Аммо улар икки мамлакатда яшаб туриб ҳам ўртадаги фарздан — Элиза туғайли "борди-келди" қилиб туришади.

Бу "борди-келди"лар шундан иборатки, Ирина қизини отасининг розилигисиз Франциядан Россияга олиб келди. Жан эса Москвага келиб Элизани онасидан ўриллаб кетади. Ҳеч қанча вақт ўтмай, Парижда Ирина ёллаган кишилар Жанни қалтаклаб, Элизани яна ўғирлашди ва Швейцария орқали Россияга, онасининг олдига жўнатилди.

Элиза Энди Ҳирланмасин! "Lenta.ru" маълумотлари асосида тайёрланди.

Қисқача шарҳ: Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур соҳани эса сугориладиган ерлар эса тасаввур этиш қийин. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми, яъни 90 фоиздан ортиги айнан шундай ерларда етиштирилади.

ЗАМИНГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Мустақиллик йилларида бу борада яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос амалий ишларга дастуриламал бўлаётир

ган ҳудудда фермер хўжаликлари ташкил этилганда мазкур ҳудудди бирламчи ободонлаштириш чораларидан бири бўлиши ерларни мелiorация-лашда кўмаклашиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан 2008-2012 йиллар мобайнида ушбу соҳадаги давлат фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида мелiorация ишларининг буюртмачила-

тўғрисида" Низом ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ушбу даврда бу соҳа юзасидан бир қатор ташкилий аҳамиятга эга бўлган ишлар ҳам амалга оширилди.

Жумладан, ҳуқоридаги фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди, шунингдек ушбу фармон нормаларини бажариш асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзелимомашлизинг" давлат лизинг компаниясини ташкил этиш

да тупроқ унумдорлигини тубдан ошириш" деб номланувчи 7-бўлимида ихтисослаштирилган сув хўжалиги қуриш ва фойдаланиш ташкилотларига, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига, шунингдек, фермер хўжаликларига 130 та экскаватор, 30 та бульдозер ҳамда бошқа мелiorатив техника, машина ва механизмлар етказиб бериш, бу борада таъмирлаш ва тиклаш йўли билан сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш учун 56 та мелiorатив насос станцияларини хўжаликларнинг ўз ҳисобидан қуриш, Қорақалпоғистон Республикасининг Туртқул, Беруний ва Эликлик туманларидаги 100 минг гектар ерининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятларидаги сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув таъминотини ошириш каби комплекс чора-тадбирлар ўз аксини топган.

Ушбу тадбирлар юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти, "Ўзелимомашлизинг" компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари каби давлат органлари муҳим эътибор берилган.

Албатта, бундай нормаларнинг Дастурда акс эттирилиши ўз навбатида мамлакатдаги ерлар аҳолисининг яхшилаши, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлар мелiorатив ҳолатини яхшилашни ўчун туртки бўлиши тайин. Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йўналишида 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ушбу йилдаги давлат фаолияти асосий йўналишларини акс эттирган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши эса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Дастурнинг 1-бўлими "Қишлоқ аҳолисининг манфаатларини яна ҳам тўлиқроқ таъминлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш"га бағишланган бўлиб, унда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни кўзда тутувчи банд акс эттирилган.

Дастурнинг "2008-2012 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашни тасдиқлаган давлат дастурига мувофиқ энг аввало, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш асоси-

да тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳуқуқий таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришнинг маддаллашуви, уларнинг сифат даражаси ўсишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш, қўшма даромад манбалари вужудга келишига ижобий таъсир кўрсатади.

А.ХАЗРАТҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

Таҳлил

ри ва ижрочилари ўртасида вазиफलари қатъий тақсимлаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини ошириш асосида сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш дастури шакллантириш ва амалга оширишга ёндашувларни тубдан ўзгартириш, сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш, мелiorация шохобчаларининг самарали ишлашини, дренаж ва оқава суварлининг коллектор-дренаж тармоғи орқали норматив-ҳуқуқий чакирлишини таъминлаш, мелiorация шохобчаларининг саклаш механизмининг сифат жиҳатидан такомиллаштириш кабилар белгиланган.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КЎЗГУСИ

(Боши 1-саҳифада) — Икки йилдан буён ушбу кўрғазмада қатнашамиз, — дейди Германиянинг "Multivac" фирмаси вакили Суръат Ибрагимов. — Бизнинг мева-сабзавот маҳсулотларини қадоқлаш, қуритиш ускуналаримизга қизиқиш катта. Бугунги иш кунда кўпгина фермерлар билан шартномалар имзоладиқ. Уйлаймизки, ҳамкорлигимиз яхши натижалар беради.

— Қишлоқимизда мева-сабзавот маҳсулотлари сөрөб, уларни қайта ишлаш эса моддий манфаатдорликни оширади, — дейди Бешариқ туманидаги "Дехқонали Назиров" фермер хўжалиги раҳбари Жўрабек Дехқонов. — Кўрғазма давомида олган таасуротларим, мулоҳазаларим мени мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган ҳамда қадоқлайдиган илҳам технология сотиб олишга қорайди.

Айни пайтда хориж компанияларининг шундай технологияларини ўрганаётган. Ушбу технологияни фермер хўжалигимизга ўрнатасак, нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантирган, балки янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашган ҳам бўламиз.

Косонсойлик фермер Анвархон Абдуллаевни Украинанинг "ТЕХНА" компанияси вакиллари билан музокара олиб бораётган пайтда учратдик. — Фермер хўжалигимизда 50 мингдан зиёд "Ломан-бран" этли товукларимиз бор, — дейди у. — Ушбу компаниянинг паррандачилик ускуналарини харид қилаётимиз. Замонавий, илҳам, қўлай технологиялар ишчимизни янада ривожлантиришга хизмат қилиши аниқ. Бу шунингдек, паррандаларимиз сонини янада кўпайтириш имконини ҳам беради.



Кўрғазмада қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлари учун замонавий технологиялар, техникалар, ускуналар намойиш этилмоқда. Жумладан, паррандачилик, ўсимликлар ҳимояси, мева-сабзавотни қайта ишлаш, қадоқлаш технологиялари, иссиқхона хўжаликлари учун зарур жиҳозлар иштирокчиларнинг қизиқишига сабаб бўлаётир.

Харидлар, ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги келишувлар, алмашлаётган тажрибалар кўрғазманинг самарали ўтаётганидан дарак беради.

Анвар ҚУЛМУРДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Тарихий тараққиёт ҳақиқати барчамизнинг илҳимимиз бевосита қишлоқ заминига бориб тақалишини тасдиқлайди. 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб атапган, бу борада Давлат дастури қабул қилиниб, иқросига қиришилгани Мустақиллик йилларида шаклланган оёнонанинг узвий довомидир. Президентимиз 2003 йилни "Обод моҳалла йили" деб эълон қилар экан, қуйидаги сўзларни айтган эди: "Ўзбекиликда моҳалла бўлиб, жомоа бўлиб яшашнинг нечо минг йиллик ўз тарихи бор. Тарихнинг гувоҳлик беришича, юртимизда достлоб дарё бўлиб ҳаёт пайдо бўлган. Табиат қийинчиликларини, ташқи хавф-хатарларни биргалашиб енгиш, ерларни ишлашда қучларни бирлаштириш, яхши ва ёмон кунларда бир-бирига елқадош бўлишга интилиш туйғуси олис замонларда ажодларимизни жомоа бўлиб яшашга ўргатган".

ЖАМОАТ БОШ ҚЎШГАН ИШ ХАЙРЛИ, БАРОКАТЛИ

Дарҳақиқат, Сирдарё бўйларида қадим-қадимдан одамлар жомоа бўлиб яшашган, давлатлараро муносабатларни барқарорлаштириш мақсадида бир-бирини қўқиб бериб, келин туширишга доир тарихий далиллар ҳам мавжуд. Сўғдиёна мамлакатига келин бўлиб тушган сирдарёлик сак маликаси ҳозирги Самарқанд вилоятининг Челек туманидаги Қўқтепа қалъасида дафн этилган экан. Узбек ва француз археолог олимлари сак маликаси даҳмасини ўтган асрнинг 90-йиллари охирида тоғишган ва бу воқеа тарихшунослик илми оламида қизгин муҳокама этилган. Эрамизнинг 713 йилида Мароканднинг Ҳадиса исми қизи ховослик йигит билан турмуш қургани, уларнинг никоҳ тўйи ўратепа оstonасидаги Мус-тепа қасрида ниҳонлангани ҳам ўз таърихини топаган ҳақиқатдир. Мана шунини тарихий далил айирмаларнинг Сирдарёда ўтқоқ аҳоли яшамаган, деган фикрини рад этиш туйибди.

Бахтиёр МИРЗАБЕКОВ Самарқанд вилояти

Кўпгина тежашни хайлга ҳам келтирмай, керак-нокерак ҳолларда ҳам беаёв сарфлайдиганими — сув таъминотининг инсониятга буюк инъомини экин хусусида ўз-ўзини хўш хўшимиз борми? Айир, охи хайб бор жойдаги на юрт обод, роҳат-фароғат бор. Қўёш бутун оламга нур таратиб, уни уюқдан уйғотганидек, сув қақроқ замин жонига оро қиради, жон ото этади. Бунга қадимги қақроқ Мирзабўқнинг бугунги қиёфаси инкор этиб бўлмайди деган мисолдир.

Сирдарё воҳисиди қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга алоҳида эътибор билан қараллаётир. Бугунги кунда жами 283 та қишлоқнинг 79,6 фоизи ёки 226 таси шундай ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, бу борада хитиржам бўлишга асос бермайдик. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилга мўлжаллаб тузилган дастурда белгиланган қўлмадан тадбирлар қаторида 33,7 километрни масофада сув ювурлари тортилиши кўзда тутилди. Бу қувурлар орқали 35 та қишлоққа оби хайб оқди. Бундан ташқари, 23 та тик кўлик қандилар, 7 та мавжуд кўлик таъмирланган, 7 дона ЭЎВ рўсулни насос харид қилиниб, ичимлик суви танқис қишлоқларга ўрнатилади.

Қўлмадан тежашни хайлга ҳам келтирмай, керак-нокерак ҳолларда ҳам беаёв сарфлайдиганими — сув таъминотининг инсониятга буюк инъомини экин хусусида ўз-ўзини хўш хўшимиз борми? Айир, охи хайб бор жойдаги на юрт обод, роҳат-фароғат бор. Қўёш бутун оламга нур таратиб, уни уюқдан уйғотганидек, сув қақроқ замин жонига оро қиради, жон ото этади. Бунга қадимги қақроқ Мирзабўқнинг бугунги қиёфаси инкор этиб бўлмайди деган мисолдир.


Аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида ҳам режалар катта. Ҳозирги пайтда Сирдарё қишлоқларининг 76,4 фоиз аҳолиси табиий газдан фойдаланмоқда. Жорий йилда 66,5 километр узунликда газ қувурларини тортиш ва қишлоқ аҳолисининг 83 фоиздан ортки қисмини табиий газ билан таъминлаш режалаштирилган.

Соҳибқирон Амир Темур таъкидлагандек, азами қатъий, тадбирги бир киши миёг лойқид кишидан афзалдир. Атрофдаги бир разм солиғин: ишбилармонлар аввало, эл-юртни бойитмоқда, қоралвер-

Гўзал диёримизда байрамлар талайгина, лекин барча байрамлар ичида гўзаллик ва нафосат байрами энг қадимий ва кўна аъёнларимизни мужассам этган, инсонларга меҳр-муҳоббат улашувчи "Янги кун" — Наврўзи олам байрами барча байрамлардан ажралиб туради. Бу байрамни инсонлар орзқиб кўтади. Наврўзи келиши билан табият уйғонади. У билан бирга инсонлар қалбиди эзгуликка интилиш кучаяди.

НАВРЎЗ САЙЛИГА САЙЁҲЛАР ХАМ КЕЛДИ

Кўшработ туманида ҳам ҳар йилгидек Наврўз байрами катта шодийна, халқ сайлига айланади. Гўшанинг кенг, бепоян адирида бир-биридан қизиқарли спорт ўйинлари ўтказилди. Айниқса кўпқари, кураш байрамга ўзгача шухук, завқ бағиш-



Бахтиёр МИРЗАБЕКОВ Самарқанд вилояти



Мамлакатимиз иқтисодийи барқарорлашувига хизмат қилиб келаётган молия муассасаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон иқтисодий инқирозидан дамол эътибор айна жараёнда банк тизимини ривожлантириш ва мустақамлаш йилнинг устувор вазифаларидан эътиб белгиланган. Таъкидлаш жоизки, бу вазифани амалга ошириш учун мустақам пойдеворимиз бор. Буни республикамиздаги йirik банклардан бири — ОАТБ "Пахта Банк" Самарқанд вилот бошқармаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Утган йилда ушбу жамоа асосий эътиборни банкнинг актив ва пассивларини мукамал бошқариш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, банкни бозор муносабатлари талаб-қоидалари асосида оқилона бошқариш ҳамда банкнинг келгусидаги стратегик йўналишларини белгилашга қаратди.

МОЛИЯВИЙ МАДАД — ОЛТМИШ МИЛЛИАРД

Бу — замонавий техникалар, кўплаб янги иш ўринлари, шинам уй-жойлар ва фаровонликнинг бошқа миқёслари демак

Юртбошимизнинг фармон ва қарорлари бу борада дастуриламал вазифасини ўтаётди. Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, хусусий ресурслар базасининг ривожига замонавий хизмат турларини жорий этиш, банк фаолиятининг янги имконият қирраларини очини маркетинг нуқтаи назаридан таҳлил қилишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда sanoatni ривожлантириш, замонавий технологиялар билан жиҳозланган кичик корхоналарни ташкил этиш, қайта ишлашни йўлга қўйиш, янги иш ўринларини яратишга қаратилган эътибор банк томонидан молиявий қўллаб-қувватланапти. Банк Пайриқ туманидаги "Samunersaltex" МЧЖга мевасабзавотларни қайта ишлаш технологиясини сотиб олиш мақсадида кредит ажратди. Корхона кредитдан фойдаланиш даврида йилга 7 минг тонна сабзавот ва 3,4 минг тонна мевани қайта ишлашни режалаштирган. Энг муҳими, 40 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Банк томонидан Каттақўрғон туманидаги "Бобур шоҳ Покиза" МЧЖга гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясини сотиб олиш учун 140 млн. сўм миқдоридан кредит ажратилди. Корхона йилга 36 тонна гўштни қайта ишлаш имкониятига эга. Ана шундай 20 дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун қиймати 6,3 миллиард сўм кредит ажратили-

ди. Юрида ажратилган маблағлар ҳисобидан 33 та дон ўриш комбайнлари, 35 та ҳайдов, 54 та чопик тракторлари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва галла хомашисини етиштириш учун банк мижози ҳисобланган беш миңдан ортиқ фермер хўжаликлари ҳам 31,6 миллиард сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар ажратилди. Утган йили ана шу кредитлар эвазига фермер хўжаликлари томонидан 112 миң тоннадан ортиқ пахта, 122 миң тоннадан ортиқ галла хомашеси етиштирилди.

Биргина 2008 йилда банк кредити эвазига олиб берилган комбайнлар билан 10 миң гектардан ортиқ майдонларнинг галласи ўриб олинди. Банкнинг Булунгур филиали томонидан "Аср боши" фермер хўжалигига берилган 146 миллион сўм кредит эвазига "Класс Доминатор-130" русумли комбайн олинди. Ва шу йилнинг ўзидаёқ фермернинг 100 гектар еридан ташқари тумандаги бошқа фермерларнинг галласини йиғиштириб олишга қўмақлашди. Натияжада, олинган кредитнинг 25 фоизини сўндиришга эришилди. "Мирзаев Шавкат Кенжаевич" фермер хўжалиги банкнинг Зиёвуддин филиалидан 31,5 миллион сўм кредит олиб, пахта қатор орасига ишлов берувчи ТТЗ-80-11

кредитлар ажратилганлиги боис вилотда аҳоли учун зарур бўлган истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи минитехнологияларни сотиб олиш, хизмат сервисларини кўпайтириш ва ёшларимизни иш билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда хотин-қизларга яратилаётган шароитлардан улар мамнун. Бу борада банк 400 нафардан ортиқ тадбиркор аёлларга 775,6 миллион ва касаначиликни ривожлантириш учун 200 миллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилганлиги туфайли 2 миңдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да"ги Фармони бажарилиши юзасидан белгиланган тадбирлар асосида вилот бошқармаси томонидан 7 миллиард сўмдан ортиқ исдан бирга, қўшни фермерларнинг 400 гектар майдонларига хизмат қилиб, 10 миллион сўм қўшимча маблағ топишга эришиди. Иқтисодийимизнинг реал сектори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ўтган йилда ана шундай субъектларга 7 миллиард сўмлик


да"ги Фармони бажарилиши юзасидан белгиланган тадбирлар асосида вилот бошқармаси томонидан 7 миллиард сўмдан ортиқ исдан бирга, қўшни фермерларнинг 400 гектар майдонларига хизмат қилиб, 10 миллион сўм қўшимча маблағ топишга эришиди. Иқтисодийимизнинг реал сектори, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ўтган йилда ана шундай субъектларга 7 миллиард сўмлик

лари ташкил қилди. Терминаллар ўрнатилган одамлар гажум савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига эътибор қаратди. Ана шундай жойларга 208 та терминал ўрнатилди. Янги дўконлар қурилишига 500 миллион сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Шундан 50 дан ортиқ савдо дўконларини таъминлаш учун 290 миллион сўм ва янги 20 та савдо дўконини қуриш учун 210 миллион сўм кредитлар ажратилган бўлса, ана шу дўконларни озик-овқат ва истеъмол моллари билан тўлдириш учун 1,5 миллиард сўм миқдоридан кредит берди. Хозирги кунда ушбу дўконлардан банк кассаларига ойига 2,5 миллиард сўм нақд пул келиб тушмоқда. Энг қувонарлиси, 200 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлди.

Юртбошимиз томонидан 2008 йил 20 февраль куни имзоланган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони фуқароларнинг молия муассасаларига бўлган ишончини мустақамлаш, улар қўлида турган бўш маблағларни иқтисодийимизнинг муҳим жабҳаларига жалб қилишга қаратилганлиги бежиз эмас. Фармонда белгиланган имтиёзлар аҳоли даромадига яна даромад қўшиши, оилак маошлар ва нафоза пулларини ўз вақтида етказилишига муҳим омили бўлиши табиий. Олиб берилган тарғибот-ташвиқот ишлари бесамер бўлмади. Шу туфайли банкда аҳолининг барча қатламларига мансуб 20 дан ортиқ омонат турлари мавжуд. 26 фоиз миқдорда устама тўланадиган "Тараққийёт" жамғарма ҳамда муддатли "Ватан ҳимояти" омонатларига аҳоли томонидан талаб катта бўлмоқда. Банкдаги аҳоли омонатлар қолдиги 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 2008 йилга нисбатан 153 фоизга ошди. Муаддатли омонатлар қолдиги 13,7 миллиард сўмин ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, ОАТБ "Пахта Банк" Самарқанд вилоти бошқармаси республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда ва халқимизнинг турмуш фаровонлигининг ошишида муносиб ҳиссаси бор. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра банкнинг кредит қўйилмалари 60 миллиард сўмин ташкил этганлигининг ўзидек юқоридаги фикримизни тасдиқлаб турибди.

Муфтилло ЮСУПОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.
Самарқанд вилоти



қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

МУРОСАДИЗЛИК — СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТГА ҚОВ

дейди Сирдарё вилоти синов ва сертификатлаштириш марказининг бўлим бошлиғи Роҳат Анорқулова

Бозорларда ёки ерости йўлидан чиқадиган жойларда сифатсиз, истеъмол қилиш муддати ўтиб кетган маҳсулотларни сотиб ўтирганларга дуч келамиз. Ана шундай пайтда ҳеч ким "Эй, барак топгур, бу маҳсулотни сотма. У инсон соғлиғига зарарли" демайди. Базилар сотувчининг ёнини олишдан нарига ўта олишмайди.

Очиги, истеъмолчилар ҳуқуқлари, маҳсулот сифати, синов ва сертификатлаштириш талаблари билан боғлиқ тартиб-қоидаларни ҳамма ҳам яхши билвермайди. Натияжада, юқориде айтиб ўтганимиздек, қўча-қўйда, бозорларда сотилаётган озик-овқат, мевачева ҳамда кундалик эҳтиёжимиз учун зарур бўлган маҳсулотлар сифатига, ҳолатига етарли эътибор қаратилмайди. Бунинг оқибатида харидор зарар кўради, ҳатто, баъзи ҳолларда касалликларга чалинади. Шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида Сирдарё вилоти синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонасида ҳам аниқ мақсадли ишлар бажарилаётди.

Марказимизда ички бозор сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар билан таъминланишини назорат қилишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган мутахассислар сероб, — дейди Сирдарё вилоти синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори Оди Аҳмадулов. — Ана шундай ҳаётий таърибага эга ходимларимиздан бири марказимизнинг сертификатлаштириш бўлими бошлиғи Роҳат Анорқуловадур. У озоқ йиллардан бери жамоамизда сидқидилдан меҳнат қилиб келади. Бу аёлнинг бевосита кўмаги ва ғамхўрлиги туфайли кўплаб ёш мутахассислар ҳаётда ўз ўрнини топиб, хозирда нуфузли идораларда ишлашаётди.

Бошлиқнинг тасвирасига кўра Роҳат Анорқулова билан истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатлари, сертификатлаштириш соҳасида олиб борилаётган бугунги ишлар хусусида сўхбатлашдик.

— **Роҳат опа, маҳсулот ишлаб чиқаришни метрологик таъминлаш, унинг сифатини текшириш ва баҳолашдаги назорат тартибини тўла йўлга қўйиш учун ҳам кўп иш қилиниши зарур. Умуман, сиз бошчилик қилаётган сертификатлаштириш бўлимида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?**



— Сертификатлаштириш — марказининг асосий бўлимларидан бири ҳисобланади. Бу эса зиммамизга катта масъулият ўқлайди. Марказининг сертификатлаштириш органи ва акредитланган синов мажмуаси томонидан барча ишлар Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш" "Озик-овқат маҳсулотларининг расмийлаштириб берилди.

— **Замонавий истеъмолчи талабини ҳар томонлама қондириш, уларга сифатли, соғлиқ учун хавфсиз бўлган маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Бу эса мамлакатимиз корхона ва ташкилотларида сифатни бошқариш тизимларини фаол жорий этишни тақозо этади. Шу нуқтан назардан олиб қараганда, текшириш-**

— Афсуски, истеъмолга яроқсиз маҳсулотни сотишга уринувчилар ҳам учраб туради. Бундай қимсалар билан асло муроаса қилиб бўлмайди. 2008 йил давомида сертификатлаштириш органи томонидан 3 та ҳолатда, яъни 480 миң сўмлик 40 килограмм пиллоқ маркировкаси, 5850 миң сўмлик 26000 килограмм кунжара физик-кимевий кўрсаткичлари, 4800 миң сўмлик энгил ва оқ автомобилари эҳтиёт қисмлари (б/у) ташқи қўрнини бўйича талабга жавоб бермаганига туфайли яроқсиз деб топилди ҳамда ушбу маҳсулотларга мувофиқлик сертификати берилиши рад этилди. Ўзгалган инспекцион назорат натижалари

бўйича 110 та корхоналарга берилган 109 та мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тасдиқланди. 26 та корхонага берилган мувофиқлик сертификати маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилинмаётганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати метёрий ҳужжат талабларига жавоб бермаслиги баъби мувофиқлик сертификати тартибидан амал қилиш муддати вақтинчалик тўхтатилди.

— **Синов мажмуаси фаолияти ҳақида ҳам қисқача тушунтириш бериб ўтсангиз?**

— Ушбу мажмуа томонидан ўтган йилнинг сўнги чораги давомида умумий қиймати 11971458,6 миң сўмлик маҳсулотлар бўйича 1552 та синов ўтказилиб, 393 та баённома расмийлаштирилди. Шундан умумий қиймати 75444,8 миң сўмлик маҳсулот яроқсиз деб топилди, салбий натижалли синовлар сони 45 тани ташкил этди. Йил давомида эса умумий қиймати 60824026,6 миң сўмлик маҳсулотлар бўйича 11949 та синов ўтказилиб, 2427 та синов баённомалари расмийлаштирилди. Марказининг синов мажмуаси озик-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари лабораторияси томонидан 2008 йил сўнги чорагида умумий қиймати 11752703,3 миң сўмлик маҳсулотлар бўйича 1398 та синовлар ўтказилиб, 360 та синов баённомалари расмийлаштирилди. Шундан 2314,9 миң сўмлик маҳсулот яроқсиз, деб топилди, салбий натижалли синовлар сони 19 тани ташкил этди.

— **Имкониятдан фойдаланиб, истеъмолчиларга айтадиган фикр-мулоҳазаларингизни баён этсангиз.**

— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатидан қониқис ҳосил қилмаган пайтнингизда бу ҳақда дарҳол марказимиздаги ишонч телефонларига қўнғирок қилинг. Стандарт талабларига жавоб бермайдиган, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар харидини кескин қайтариш учун ҳар би киши муроасис бўлиши зарур. Бу борада жамоатчилик кўмагига таянамиз.

Макарон, омихта ем ва қоплар сотилади

"Шўрчи дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти корхонасида ишлаб чиқарилаётган омихта ем маҳсулотлари тўридан-тўғри шартномалар тузиш орқали биржа савдоларида вужудга келган ўртча нархларда маблағ ўтказиш ёки нақд пулга, макарон маҳсулотлари ва қоплар тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали маблағ ўтказиш ёки нақд пулга сотилади.

Манзил: Сурхондарё вилоти, Шўрчи шаҳри, Ун заводи даҳаси 1-уй. Телефонлар: (8-376) 45-51-772; 45-54-584. "Шўрчи дон маҳсулотлари" АЖ маъмурияти. Маҳсулотлар сертификатланган.

"SARDOR STROY PLUS" МЧК тасисчи: Усманов Сураат Улмақсодов жаваб тасисчилар сифидан чексизга иштироки ҳамда Устав фондини 83,89%, яъни 176 328 330 сўмга қайтаришга иштироки маълум қилади. Даволат 294-70-07 телефони орқали қабул қилинади.	ООО ИП "HE Development KOREA" (код по ОКПО 20537334, ИНН 2066025322) уведомляет об уменьшении Уставного фонда с 1 985 718 000 сум до 1 575 325 617,76 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Мирабадский район, ул.Афрасиёб, 12-3. Тел.: 252-37-94.	ЧП "ALMAHAN-FARM SAVDO" (ИНН 206990216), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, пос.Улугбек, ул.Нозира, дом 18, кв. 3, ликвидировано (решение собрания учредителей № 1 от 01.07.08 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.
ООО "SKOND BIZNES" (ИНН 2068093359), в связи с выходом из состава участников ООО "BEKTEMIR AVTO MAS" объявляет об уменьшении Уставного фонда с 300 000 000 сум до 287 040 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент, Бектемирский район, ул. Ж.Остонова, дом 2.	Утерьяная круглая печать, выданная на ЧП "MULXUSA FIRDAVS SAVDO" (ИНН 301095332) Утерьянского района г.Ташкента, считается действительным.	Утерьяная круглая печать, выданная на ЧП "MULXUSA FIRDAVS SAVDO" (ИНН 301095332) Утерьянского района г.Ташкента, считается действительным.
Утерьяный патент № 0905402, выданный 5 апреля 2007 г. хокимиятом Шайхантаурусского района г.Ташкента на имя Пулатова Х.З., считается действительным.	ООО "NUR FARM SERVICES" (ИНН 300453608) объявляет о переименовании в ООО "ARENA HOLDING GROUP". Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул.Кори Нибозова, дом 4, кв.13. Тел.: 150-56-56.	

SVMASH

ОИЧК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Насослар ва электр машиналар ишлаб чиқариш ҳамда таъмирлашга ихтисослашган корхона қуйидагиларни тайёрлайди ва таъмирлайди:

ЭЦВ 10-80	ЭЦВ 16-160М	ЭЦВ 16-80М	ЭЦВ 25-100М	ЭЦВ 40-90М	ЭЦВ 40-60М
ЭЦВ 10-63-65	ЭЦВ 10-63-150	ЭЦВ 10-65-110	ЭЦВ 10-100-15М	ЭЦВ 10-120-80М	ЭЦВ 10-120-55М
ЭЦВ 10-120-40М	ЭЦВ 10-120-30М	ЭЦВ 10-160-35М	ЭЦВ 12-255-30М		

Д русумли ётиқ насослар:

D320-50M	D630-90M	D1250-65M	D1250-125M	D1600-90M	D2000-21
D2500-62	D3200-33	D3200-75	D4000-95	D6300-80	D6300-27

К русумли тагликка ўрнатилган насослар:

K200-125-330	K200-150-268	K100-65-250	K100-65-200	K100-80-160	K80-50-200
K65-50-152	K40-32-128				

Насос станциялари:

A50Г0,5/10	A40ГЦ-0,5/21	A30ГЦ-0,3/7	СНП 500/10	СНЭ 200/5
------------	--------------	-------------	------------	-----------

Барча русумдаги насосларнинг эҳтиёт қисмлари; Корхонада шунингдек, насос қўрилмалари ва қуввати 3000Вт гача электр двигателлар капитал таъмирланади;

SVMASH ОАЖ акцияларининг назорат пакетига Энергомашкорпорация ОАЖ (Россия Федерацияси) эгаллик қилади.

100182, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш. Бектемир тум., Хусайн Байқаров кўчаси, 13.
Tel: (998 71) 295-13-00, 295-25-75, 295-06-37. Fax: (998 71) 295-51-08, e-mail: office@svmash.uz, www.svmash.uz
Маҳсулотлар сертификатланган

1 апрель — Халқаро қушлар куни

Кутилмаганда тонг сахарда овчи-лар изгиб қолишади. Бу хол лойхў-ракларни чўчишиб, ўз кўноқларидан махрум қилади. Беозор жониворлар гақиллаб, ўн-ун беш одим наридаги бутазор ичига яширинишга мажбур бўлишади. Хар доим сергак ва хушёр

кабли искович ити унга доимо ҳамроҳ. Уша субхидам нозирнинг сай-харакати туфайли беозор жониворлар-га ҳеч қандай шикаст етмади. Тонг ёришгач, у лойхўраклар сонни худудда тахмин қилганидан анча кўплигидан кўнгли равшан тортиди.

Олдинда ҳали хавф-хатар ва қийинчи-ликлар турибди.

Куйш уфққа бош қўйганида тоғ ёнба-гирлари ва пасттексилларда қушлар-нинг ажайиб томошасини кўриш мум-кин. Қушлар уяларига қайта бошлаш-ганда қулоқни қоматга келтирувчи шов-қин-сурон кўтарилади. Бир жуфт лой-хўрак совуқдан жунжиқиб, "ўлик" бўлиб котиб туради. Уфқда шафакнинг шуь-лаланиши эртага ҳаво очик бўлишидан дарак беради.

Лойхўраклар у ёндан бу ёнга, баъ-зан айланиб ҳам уча олади. Кучли ша-мол ҳам уларга таъсир қилмайди. Шу-нинг учун ўғринча ов қилувчилар бу қушларнинг қаерда ва қачон бўлиши-ни хар доим ҳам билвериб қолмайди.


Ез охирида лойхўраклар учун озука эҳтиёжидан ортик бўлади. Улар ейди-ган уруғлар қувватга бой. Қушларнинг танасини мой боғлаб, вази икки ба-равар ортади. Бу эса узоқ ўлкаларга учишда куч-қувват бўлади. Кузда лой-хўраклар жануб томон учишга ҳозир-лик кўра бошлайдилар. Баъзилари бо-лалаб, октябрь ойигача қолиб кетади.

Баҳор нафаси уфуриб, ҳаво секин-аста илйи бошлаган, лойхўраклар яна ҳавза бўйларига учиб келишади. Улар-нинг сув бўйида чўқилаши одатий ҳол — ҳафсала ва чидам билан озука из-лашади. Хашаротлар ҳали индан чиқ-маган. Серёгин қушларда тоғ ёнбагир-лари ва пасттексилларини сув қоп-лайди. Мавсумий ёмғирлар дарё ва жилгаларнинг тошишига сабаб бўла-ди. Бундай кезларда лойхўраклар оф-тоб нуридан баҳра олиб, хордик чиқа-ришади.

Харорат кўтарилиши билан турли хашаротлар, курт-кумурсқа ва личинка-лар кўпаяди. Кенг майдон ва ҳавза бўйларидан қушлар сон-саноксиз. Улар эрта тонгдан осмону фалакни тўлдириб учишади. Само уммонда чарх ураёт-ган қушларни кўриб, кўз қунайди. Ҳаёт бир маромда давом этaveraди...

Абдулла САИДОВ

Ойқор лойхўраклари омон бўлсин



туришга одатланган нозир Содиқ ама-ки бегоналар шарпасини пайкаб, ос-монга қарата кетма-кет ўқ узади. Содиқ амаки олтишларни қоралаб қолган бўлса-да, жисмонан чиниққан-лиги учун тоғ йўлларидан тез ва ил-дам юра олади. Хар қандай ноқулай об-ҳаво шароити ҳам уни чўчитолмай-ди. Табиат ва ҳайвонот оламини кўриқлаш ундан фидойлик кўрсатиш-ни тақозо этади, албатта. Тўрткўз ла-

Тухумдан чиққан юмшоқ патли по-лапонлар бир ойдан сўнг мускуллар-ни чиниктириб, қанот боғлаб уча бошлайдилар. Катталарнинг гамхўр-лиги киникитойлар учун ниҳоятда за-рур. Полапон ота-онасини товушидан танийди.

Мева, чувалчанг ва хашаротлар по-лапонлар учун тўйимли озука ҳисоб-ланади. Лекин уларнинг куч-қувватга тўлиб, мустақил яшашларига вақт эрта.



РОБЕРТ ГАЙ ТАРКИБНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Ўзбекистон аёллар терма жамоасига бош мураббий этиб тайин-ланган Роберт Гай 2010 йилги Осиё Кубогининг саралаш bosқичи-да иштирок этиш учун тайёргарлини бошлайдиган футболчиларни эълон қилди. Таркибдан жами 23 нафар футболчи фўл олган.

Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 2010 йилги Осиё Ку-богининг саралаш bosқичида маълум сабабларга кўра қатна-ша олмайдиган Баҳрайн терма жамоасининг ўрнига иштирок этадиган бўлди.

Шу йилнинг 25 апрель-3 май кунлари Малайзия пойтахти Ку-ала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган сара-лаш bosқичида вакилларимиз Қирғизистон, Иордания, Маль-див ороллари ва Фаластин тер-ма жамоалари билан куч синаша-ди. Гуруҳдаги 3 та энг яхши тер-ма жамоа навбатдаги 2-саралаш bosқичига йўл олади. 2-саралаш йўналиши 4-8 июлга белгиланган.

Аёллар футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ав-валги Осиё чемпионати мусо-бақаларида ўз рейтингига эга бўлмаганлиги сабабли, мусо-бақани 1-саралаш bosқичидан бошлайдиган бўлди.

Юқорида таъкидланганидек,

гуруҳда кучли учликдан ўрин олган жамоалар ҳал қилувчи саралаш bosқичига йўланма-ни кўлга киритишда ҳамда 2-саралаш bosқичидан мусобақа-га киришадиган 6 та терма жа-моа билан уч гуруҳда кураш олиб боришади. Чта гуруҳда учтадан давлат қатнашадиган ҳал қилувчи саралаш bosқичи-да фақатгина энг кучли жамоа Осиё чемпионатининг финал қисмига йўл олади.

2008 йил якунлари бўйича Осиёнинг 5 та энг кучли терма жамоалари — ҚХДР, Хитой, Япо-ния, Австралия ва Жанубий Ко-рея эса китъа биринчилигида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Биринчи саралаш bosқичи иштирокчилари:
1. ЎЗБЕКИСТОН
2. ИОРДАНИЯ
3. ҚИРГИЗИСТОН
4. МАЛЬДИВ ор.
5. ФАЛАСТИН

Иккинчи саралаш bosқичи учун қуръа натижалари:

"А" гуруҳи — Хитой тайпейи, Мьянма, 1-саралаш bosқичида-ги 1-ўрин соҳиби

"В" гуруҳи — Таиланд (мез-бон), Эрон, 1-саралаш bosқичи-да 2-ўрин соҳиби

"С" гуруҳи — Вьетнам (мез-бон), Гонконг, 1-саралаш bosқичида 3-ўрин соҳиби

Йўнлар тақими:
1-тур, 25 апрель (шанба) Қирғизистон — Иордания
2-тур, 27 апрель (душанба) Мальдив ороллари — Ўзбекистон
3-тур, 29 апрель (chorшанба) Ўзбекистон — Фаластин
4-тур, 1 май (жума) Иордания — Фаластин
5-тур, 3 май (якшанба) Мальдив ороллари — Қир-ғизистон
Ўзбекистон — Иордания

КИЧИК ЗИДАН ҲАҚИДА ИЛК ШОВ-ШУВ

Маъшур футболчи, Франция терма жамоасининг sobиқ аъзоси Зиданнинг ўгли Испания ўсмирлар терма жамоасига таклиф қилинди.



14 яшар Энцо Зиданнинг 15 ёшгача бўлган ўсмирлар-дан иборат Испания терма жамоаси таркибига майдонга тушиши ҳозирча номаълум. Испаниянинг "Реал" (Мадрид) футбол клуби ўсмирлар жамоаси аъзоси Энцо Зидан бу таклифга ҳеч қандай жавоб бермаган. Агарда у ушбу так-лифни қабул қилган тақдирда ҳам кейинчалик Франция тер-ма жамоаси учун ўйнаш имконини сақлаб қолади. Қонун-қондаларга кўра қайси терма жамоада ўйнашни балоғат ёши — 18 ёшга етгунинга қадар белгилаш мумкин.

Энцо Зиданнинг онаси келиб чиқishi испаниялик бўлган француз бўлиб, улар ҳаётининг катта қисмини Мадридда ўтказган.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Хурмағли ёшлар!

Сизларни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги "ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ" Олий ўқув юртларига кирувчиларни тайёрлов бўлимига ўқишга таклиф қилади.

Тайёрлов бўлимида барча фанлар бўйича машғулотлар таш-кил қилинган бўлиб, дарсларни университетнинг малакали про-фессор-ўқитувчилари ўрта маълумот олиш дастури доирасида, тест синовлари асосида олиб борадилар. Машғулотлар куннинг иккинчи ярмида соат 15.00 дан 18.00 гача ўтказилади, яъни сизда куннинг биринчи ярмида ишлаш ёки ўқиш имкони бўлади.

Ўқий мuddати — 4 ой. Пул тўлаш нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 255-55-77 Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги ТДПУ, 3-бино, "Тайёрлов бўлими", 2-01 хона.

Аралаш озуқа маҳсулотлари сотилади



Қарши шаҳар "ДУНЁ-М" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган аралаш озуқа маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали биржа савдоларида вужудга келган ўртача нархларда пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Манзил: Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Шайхали қўрғончаси Олтин бошқоқ кўчаси 1-уй. Телефонлар: (8-375) 226-54-90; 226-53-52; факс — 226-53-18. Қарши "Дунё-М" АЖ маъмурияти.

AGROZYM ФЕРМЕРНИНГ ЯНГИ УМИДИ

Қишлоқ хўжалик экинларидан очик майдонда ва теплицада юкори ҳосил олишни истасангиз "Daichi Agro Kimya Business" корхонаси Сизга экологик тоза органик AGROZYM (суяқ) ўғитини тавсия этади.

- AGROZYM ўғити таркибидаги органик моддалар, В, В2, В3, В5, В12, С витаминлари, лимон ва аминокислоталар ҳамда турли бошқа моддалар экин ва ўсимликларнинг ўсиш ва сақлаш давридаги: — ҳосилдорлигини; — соғлом ривожланишини; — хар қандай об-ҳаво шароитига чидамлилигини; — ер шўридан келадиган зарарни камайтиришни; — таъми ва мазаси яхшиланишини; — витаминларга бўлган талаби қондирилишини; — ҳосил йиғилгандан кейинги сақла-ниш мuddатини ва бошқа ижобий ху-сусиятларни ривожлантиради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Юсуфод тумани, Қорақамчи кўчаси 2-уй. "Daichi Agro Kimya Business" корхонаси ("Зенит" заводи ёнида). Тел: 150-10-47 факс: 150-10-46



АВТОТРАНСПОРТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Advertisement for AVTODOM PLUS featuring various truck models like "GAZ-31105", "GAZ-3302", "GAZ-3309", and "GAZ-3221". Includes contact information for 700015, Toshkent, Shaxrisabz kўchasi, 16A-uy.

Ташиқлотлар ва корхоналар диққатига!

Advertisement for Uzbekistan Republic Agriculture and Forestry Ministry regarding reconstruction of enterprises. Includes contact info for "ROS AVTO ZAP" and "AGROZYM".

Footer section with contact information for "BOSS" (Bohsharir), "MUAHSSISLAR KENGASHI", "TAKHIR HAYBATI", and "SHARQ" company.